

**НУТҚИЙ МУЛОҚОТ ОДОБИННИ ИФОДАЛОВЧИ МАҚОЛЛАР
(ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)****Баёнханова Ирода Фуркатовна***СамДЧТИ**“Узок шарқ тиллари кафедраси Камта-ўқитувчиси**Phone: +99897540 84 84**e-mail: irodabayonkhanova2208@gmail.com***Annotation**

The article gives an idea of the concept of culture of interaction ,self-retention and exchange of views in the process of Appeal. Such concepts as attitude, appeal, communication, discussion, discussion, reasoning are all about ornaments that are suitable for the adornment of a particular nation, that is ,Uzbek and Korean, and have given many definitions to its implementation by ethical and aesthetic norms and rules. In the article, the ilinji was honored in Eastern literature for hunting the human heart, giving him kindness, expressing sincere wishes. The reason is that in the world there is one science, which has become the main subject of literature. This is humanism. And the beginning of this science is the search for a way into the human heart. Both the science and spiritual culture and art of Ilmu have been puzzled about this.

Key words

Proverbs, paremiology, proverbs, phrases and parems, paremiology of the Korean and Uzbek languages, communication, culture of treatment, manners, decency, speech activity, path to the soul, mutual understanding, word vision, the basis of Education Proverbs, expressions, comparisons [antithesis], cognitive terms ... 한국어 속담, 관용적 표현, 중의적 표현, 직접적 표현, 동음어, 다의어, 단의어

Аннотация

Мақолада ўзаро муносабат ,мурожаат қилиш жараёнидаги ўзни тутиш ва фикр алмашувлар муюмала маданияти тушунчаси ҳакида фикр юритилган. Муносабат, мурожаат, мулокот, мунозара, мубоҳаса, мухомкама, муложаза сингари тушунчаларнинг барчаси муайян миллат ,яъни ўзбек ва корейснинг зийнатига мос бўлган зийнатлар ҳакида бўлиб, у етик ва естетик меъёрлар, қоидалар билан амалга оширилишига кўп таърифлар бериб ўтилган. Мақолада инсон дилини овлаш, унга меҳр бериш, самимий тилаклар изҳор етиш илинжи шарқ адабиётида шарафланган, тарафланган. Сабаби, дунёда бир илм борки, бу адабиётнинг бош мавзуси бўлиб келган. Бу инсоншуносликдир. Ушбу илмнинг ибтидоси еса инсон дилига йўл излашдир. Илму фан ҳам, маънавий маданият ва санъат ҳам шу ҳақда бош қотириб келган.

Калит сўзлар

Мулокот , мақол, муюмала маданияти, хулк-атвор, одоб-ахлоқ, нутқий фаолият, қалба йўл, ўзаро тушуниш, сўз кўрки, тарбия асоси, 한국어 속담, 중의적 표현, 직접적 표현, 동음어, 다의어, 단의어. 의사소통, 치료 문화, 매너, 품위, 연설 활동, 영혼의 길, 상호 이해, 단어 비전, 교육의 기초

Ҳикмат арбобларининг айтишларича, кишининг вужуд гули одоб ранги ва ҳидидан холи бўлса, у киши одамлар назарида тикандек хору бекадр бўлади, халқ қўнгли у билан сухбатлашишдан қолади ҳамда бегона-ошнолар ундан юз ўғирадилар. Унинг аҳволи саҳифасига нафрат қалами билан узоклик ва бегоналик белгисини кўядилар. Шунинг учун бешарм ва одобсиз кишилар давроннинг даккиси ва танbihидан ўзларининг озодлик қанотларини синган ҳолда кўрадилар ва уларнинг меҳру-муҳаббати ҳеч қимнинг дилига ҳеч қачон ўтирамайди. Бархурдор ибн Махмуд

Мулокотнинг асосини инсонлар ташкил этади. Уларнинг ташқи қўриниши, тили, дини, фикри, орзу, мақсад, армонлари, муаммо- муносабатлари барчасини сўз билан ифодалаймиз.

Ҳар бир инсон ўз мулокот фаолиятида “қовун туширмасликка” қанчалик уринмасин хатолардан холи бўлиши даргумон. Шу боисдан таълим тарбия (ўз ўзини тарбиялаш ҳам) вазифалари зиммасида ана шу хатолардан сақланиб туради ва бунга ҳарбир инсон интилади. Нутқий мулокот фаолиятида мақолнинг ўрни бекиёс.

Мулокот стратегиясини тўғри танлашда ички ишонч ҳамда малака, дунёқарааш, қўнималарни шакллантириш бош мезон хисобланади. Бу айниқса расмий ва ишбилармонлар учрашувларида, хизматчилик муносабатларида, тадбир ва маросимларда алоҳида аҳамиятга эга.

Самимий мулокот жараёнида мақолларни ўз ўрнида қўллаш сўз сехри санъатининг ёркин намунасиdir. Инсоният одобининг ва одамийлик асосининг улуғ қасри устунларидан бири ўринли сўзлаш ва нутқини

гавҳари мулойимлик ва одоб пардасида бўлишини таъминлашдир. Ахлоқ аркининг юқорисида туurvчиларнинг айтишича, инсоннинг камолоти ва билимнинг баланд мартабаларидан бири чиройли сўзлаш бўлиб, бу боғнинг гули ақл баҳористонининг насими билан очилади ва саодатнинг ёрқин жавоҳир дастурхонини ақл савдогариги на ёзаолади. Ёқимли ва қимматбаҳо сўзларни донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юон ҳакимларининг айтишларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати ҳазинасининг қалитидир ва ҳар кимсанинг билими даражаси унинг сўзлари орқали маълум бўлади [Усмонов Р., Саодатнома, 1995, 276]

Ҳар киши гапирмай тургани замон,

Айб ила хунари бўлади ниҳон!

Бархурдор ибн Маҳмуд [Машриқзамин ҳикматлар бўстони, 1997, 256 бет].

Ҳалқимизда шундай мақол бор. “Тил борки, бол келтиради, тил борки бало келтиради”. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сўзни ўз жойида қўллаш инсондан катта маҳорат талаф этади. Худди шундай мақол корейс халқларида ҳам мавжуд:

혀가 있으면 꿋을 가져오고 혀가 있으면 재앙을 가져온다

Сўзловчи киши бадхулк бўлсада, баъзан унинг сўзларига диккат қил, гоҳо ёмон оғиздан ҳам яхши сўз чиқиб қолади.

Сўз лаззатини одами нодон билмас,

Нечунки асал лаззатини ҳайвон билмас.

Толибий. [Машриқзамин ҳикматлар бўстони, 1997, 250 бет].

Бир ҳакимнинг шундай деганини эшитдим: “Оғиз ичидаги тил қин ичига яширилган қиличдир”. 입 속의 혀는 질 속에 숨겨진 칼이다

Оқил кишилар ақлни амирга, фаросатни вазирга ва нутқни сипоҳга ўхшатадилар. Чунки (аслиҳа) ҳар нимаики ақл хотирасига келса фаросат уни тасдиқ қиласи. Агар сўздек хабарчи бўлмагандан, дилхаста ошиқларнинг юрагидаги розини маъшуқ қулогига нима йетказган бўлар эди.

Ўзингни ёмон кишилар мулокотидан узок тут, чунки ёмон кишилар сухбати жаҳаннам ўтидан ҳам ёмон роқдир. Ҳар бир мулокот (сухбат)нинг таъсири бўлади. Чунончи, яхши кишилар сухбати фазилатни оширса, ёмон кишилар сухбати заҳматни кўпайтиради.

“Қозонга яқин юрсанг қораси юқар” – деб бежизга айтмаганлар [Ўзбек халқ мақоллари, 2012., 746]. 냉비에 가까이 가면 검은 색이 올라갑니다.

“Яқинлар сухбатини изла фисқи фужур аҳлидан қоч, сабр қил, шошқалоқликни одат қилма, сирингни ҳар кимга айтма, молингни ўйлаб ҳарж қил”. “Махзам ал-улум”[Холидий X. Кўхна шарқ дарғалари, 1999, 24-276]

Шу маънода корейс халқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд: 친척의 대화를 구하고, 인내하고, 서두르지 말고, 모든 사람에게 비밀을 말하지 말고, 돈을 현명하게 쓰십시오.

Ҳикмат: Сахий ва олижаноб кишилар билан ўзаро мулокотда бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилдиради. Ёмон феъллик ва фасод табиатлик кишилар билан бўлган сухбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар сухбати орасидаги фарқ шамол таъсири қиёсида кўринади. “Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбуй хидларни олиб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтиб қолса муаттар исларни олиб келади”.

БАЙТ: Ҳар кимнинг бор экан танида жони ким билан сўзлашса, таъсири урап ёмонлик бўлмаса кимнинг ахволи, доим яхши билан хуш сухбат қуар. Мажидиддин Хавофи. [Саодатнома, 1995, 142 б].

Ҳалқимизда шундай мақол бор. “Ақл ёшда эмас, бошда”. Ёшлардан маслаҳат олишдан ор қилмаслик керак. Зоро, “Қари билганни пари билмайди дегани”. Ҳам шундай ўзаро боғланган мақоллар ҳисобланади. Шу маънода корейс халқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд: 정신은 나이가 아니라 머리에 있다

Шарқ алломалари мулокотда ишлатиладиган сўзларга кишида доимо эҳтиёж бўлмоғи, ҳар бир гапни ўйлаб, сўнг гапирмоғи лозим. Киши қаерда бўлмасин ва қачон бўлмасин, тилини ёмон сўздан асраса, ўйлаб мулоҳаза билан гапирса, доимо фойда топади. “Аввал ўйла – кейин сўйла”, “Айтилган сўз – отилган ўқ,” уни қайтариб бўлмайди. -말하기 전에 생각하고 단어를 말하십시오.

Яхши инсон кўркам фазилатлар чашмасидир. Одамлар унинг меҳр булоғидан мудом баҳра оладилар. Хулки зебо, маданиятли инсон мулокотда одамларга руҳий озиқа баҳш этади ва бундан ўзи ҳам бир завқ олади. Хушмуомала бўлиш сендан ортиқча бир нарсани талаф этмайди. Бежизга айтилмайди: “Гўзал хулқ – гўзал қалб ифодаси”, деган ўзбекнинг мақоли бор. Корейс халқларида ҳам шундай мақолни кўп ишлатади- 좋은 행동은 아름다운 마음의 표현입니다.

Агар инсоннинг виждони бир кўркам қаср бўлса, бу қасрнинг зеболиги яхши хулқи ва юксак маданиятида зоҳир бўлади. Мабодо одамлар сендан узороқ юришга интилсалар, ўз хулқ авторингга разм сол.

Хатто асалари ҳам хүшбўй гулга интилади, бадбўйидан қочади.

Р.Усмоновнинг “Саодатнома” номли асарини қўлимга олиб мутолаа қилганимда инсондаги гўзаллик туйғуси бамисоли ғунча бўлса, унинг мумтоз ҳулқи, одоби бу ғунчанинг ҳусн тимсолидир. Бу фазилатлар, бир-бирларини безайдилар ва бойитадилар.

Арасту шундай ёзади: “Иzzат тиласанг, иффатли бўл, улуғлик тиласанг, мулойим бўл, зафар тиласанг, адолат йўлини тут, қадр тиласанг, ростгўй бўл, нажот тиласанг, сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг, жидду жаҳд қил” [Ҳикматлар бўстони, 1997, 796]. Шу маънода корейс ҳалқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд: 영광을 구하면 순결, 위대함을 구하면 온유, 승리를 구하면 정의의 길, 명예를 구하면 정직, 구원을 구하면 인내, 과학을 배우고 싶다, 열심히 노력하다

Шу аснода бир мақолни келтирмоқчиман “Бешикдан қабргача илм изла”.

Ҳурмат инсонларга энг муҳим зиёда, шараф, баланд даража бергувчи ахлоқий тарбиядур. Абдулла Авлонийнинг “Гулистон ёки ахлоқ” асари инсоният тарбиясининг гултожи ҳурматдир деб ёзади: Халқ ичинда мўътабар бирнарса йўқ ҳурмат каби. [Авлоний А., Гулистон ёки ахлоқ, 1967, 32 б.].

Ҳурмат эътиборга, ҳалқ назарига тушиш осон эмас, бунинг учун инсондан катта меҳнат машаққат талаб этилади. Ҳурматга сазовор бўлиш учун аввало шахс оилада мукаммал тарбия олиши керак. “Қуш уясида қўрганини қиласди”- 새는 집에서 본 대로 한다, “Онасини қўриб кизини ол” деган ўзбек ҳалқ мақоллари замирида катта маъно мужассам. [Ўзбек ҳалқ мақоллари, 2012, 325 б.].

Аслини олганда, ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алиқ, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Ўтмишда яшаган инсонларнинг ҳурматини бажо этар эканмиз, бугунги кунда яшаб, мустақиллигимиз учун, ҳалқимизнинг фаровон ҳаёти учун курашиб келаётган фидоий инсонларимизни унутмаслигимиз керак.

“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”. [Каримов И. “Тарихсиз хотирасиз келажак йўқ”]. Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш энг аввало оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг, ҳурмат эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

“Хафа бўлганни ҳақоратламоқ ўлганнинг устига тепмоқ” демакдир. Махмуд аз-Замахшарий “Навбоғ ал-Калим” (Нозик иборалар) асарида шундай ёзади: “Ахмоқ киши бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек ҳикмат лаззатини билмайди”. [Маънавият юлдузлари, 2003, 91б.]. Шу маънода корейс ҳалқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд:-어리석은 자는 지혜의 꽃 냄새를 맡아보지 못함과 같이 알지 못한다

Огоҳ бўлингизки, саховатли ва ҳурматли, вафодор одамларни йўқотиш эр кишига ўлимдан кўра ҳам оғирроқдир. [Авлоний А. “Гулистон ёки Ахлоқ”, 1967, 42 б.]. Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан. Яхшиси унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг оғусиу, захматиу, ҳурматидан қутуласан. Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам хайбатлироқдир. Ва бу инсон аввало эл ардоғида бўлиб, ҳурматга сазовор бўлади. Ҳалол покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорга хиёнат ва ёмонлик қиласидиган киши эса нотинчлику ҳалокатга гирифтор.

“Саёқ юрсанг таёқ йейсан” мақоли шундай ҳолатда ишлатилади.

Киши гапга, нафсга, мақтанчоқликка қанча зўр берса, унинг эл олдидаги ҳурмати шунча камаяди.

Мавлоно Жалолиддин Румий таъкидлайди: [Машриқзамин ҳикматлар бўстони, 1997, 93 б.].

Яхшиларнинг сухбатин кўнглингга сол,
Хеч ёмоннинг сухбатинг қилма хаёл!
Кўр, қизил гул боғ ичин хандон қилур
Мард киши номардни ҳам инсон қилур
Гарчи сен бўлсанг агар мармар каби,
Яхши бирла бўлгай сен гавҳар каби.

Шу маънода корейс ҳалқларида ҳам шундай байтлар битилган:-

선한 사람의 대화에 주의를 기울이고,
말도 안되는 소리 하지마!
눈먼 붉은 꽃은 정원을 웃게 한다
남자가 바보를 남자로 만든다
대리석 같아도 당신은 진주와 같습니다

Доно ҳалқимиз “Инсон дунёга бир марта келади” деб бежиз айтмаган. Бу омонат дунёда ажойиб фазилатлари ва ҳатти ҳаракатлари, гўзал ахлоқлари билан эл ҳурматига сазовор бўлиш жуда ҳам инсондан улуғ матонат, сабр, тўғри йўл, мاشаққат талаб этилади.

Хар бир шахс ҳаётнинг мазмундор бўлиши учун энг аввало турмушнинг музмуни, қадру қимматини чуқур англамоги зарур, шунинг билан бирга, турмушда учрайдиган қарама-қаршиликларни тушунмоғи ва ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни оқилона бартараф кила билиши, меҳнат туфайли унга эришиш мумкинлигини англамоги лозим. Шу аснода, “Меҳнат инсонни улуғлайди” мақолини келтиришни жоиз деб билдим.

Ҳа, азизлар бу дунё ибратли ишлару панд насиҳатларга тўладир. Шу боис бу табаррук заминда не-не улуғ алломалар ўтиб ижод этиб ўтган. Эл юрт хурматига сазовор бўлиб яшаш ҳар кимга насиб этсин.

Эл ҳурмат қилса сани,
Билгин ани, оқла ани.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз—келажак йўқ. 7 жилд. –Тошкент., 2008.
2. Авлоний А. “Гулистон ёки ахлоқ”. – Тошкент., 1967. – 80 б.
3. Машриқзамин ҳикмат бўстони. – Тошкент., 1997. – 400 б.
4. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент., 2012, 512 б.
5. Маънавият юлдузлари. – Тошкент., 2003.
6. Авдеева, Л.А., Воронцова, Т.В. Язык одного народа как средства трансляции культур народов мира // Международная конференция «Язык и культура». -М., 2001. - С. 85-86.
7. Апресян Т.Я., Апресян Ю.Д. Об изучении смысловых связей слов. //ИЯШ, 1970, № 2, с. 32-56.
8. Арсентьев Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц. – Казань: изд-во Казанского университета, 1989, -126 с.
9. Бакиров П.У. Универсальные пословицы разных языков обозначающие одну ситуацию. //Бадиий таржиманинг лингво-поэтик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. 2012-йил 23-24-ноябр, Самарқанд, 31-32 бетлар.
- 10.Брюховская Л.С. Язык как инвариант национального менталитета // Международная конференция. «Язык и культура». — М., 2001. -С. 90.
- 11.Васкин Т.З. Основные способы перевода корейских пословиц и поговорок на русский язык. //Бадиий таржиманинг лингво-поэтик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. 2012-йил 23-24-ноябр, Самарқанд, 47-48 бетлар.
- 12.Телия В.Н. Первоочередные задачи и методологические проблемы исследования фразеологического состава языка в контексте культуры. /Фразеология в контексте культуры. – М., 1999, -С. 13-24.
13. Телия В.Н. Что такое фразеология. -М., 1966.
14. Корейс халқ мақоллари. «Жаҳон адабиёти», 2005, №5.
15. Лингвистический энциклопедический словарь — Москва, 1990
- 16.Лим Су. Корейские народные изречения. -М.:Главная редакция восточной литературы. «Наука», 182. -359 с.
17. Шонг эонг Жин. Корейс мақоллари лугати Сеул-Техакса, 2006. - 217 б.
18. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати –Т., “Ўқитувчи”, 1978.
- 19.윤희수. 관용어의 고정된 어순 분석 // 논문집 10. 금오 공과대학, 1989. – 11 п.
20. 김 문 육 한-우 사전 도서출판 베델사 2006